



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

20 20 у. « 30 » ноябрь № 44

“Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПК-4796-сон қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш амалиётини “Миллий ҳисоблар тизими - 2008” халқаро стандартига мувофиқ такомиллаштириш ҳамда миллий ҳисоблар статистикаси кўрсаткичлари қамровини кенгайтириш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси **қарор қилади:**

1. “Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Давлат статистика кўмитасининг 2011 йил 1 апрелдаги “Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 3-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор 2020 йилнинг 1 декабрдан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов